**Hilola G‘ULOMOVA,**
*Alisher Navoi State Literature Museum of the Academy of Scinces of the Republic of Uzbekistan, PhD researcher, gulomova86@bk.ru, Navoi street 69, Tashkent city, 100011, Uzbekistan.*

# «МАЖМАЪУ-Л-МАСОИЛ» АСАРИ МАНБАЛАРИ ВА ФИҚҲ МАСАЛАЛАРИНИНГ НАЗМИЙ ТАЛҚИНИ

# ИСТОЧНИКИ «МАДЖМА‘ АЛ-МАСАИЛ» И ПОЭТИЧЕСКОЕ ТОЛКОВАНИЕ ВОПРОСОВ ФИКХА

# OURCES OF «MAJMA‘ AL-MASAIL» AND POETIC INTERPRETATION OF THE QUESTIONS OF FIKH

**Калит сўзлар:** *Афзалий, «Мажмаъу-л-масоил», ҳадис, мисра, асар, иқтибос, масала, манба.*
**Ключевые слова:** *Афзали, «Маджма‘ ал-масаил», источник, хадис, строка, цитата, вопрос, источник.*
**Key words:** *Afzaliy, «Majma‘ al-masail», hadith, line, quote, question, source.*

Халқимизнинг бой маънавий мероси узоқ ўтмишга бориб тақалиши ва унинг серқатламлиги барчага маълум. Жаҳон маданияти тарихида улкан из қолдирган буюк алломаларимизнинг улкан ижод намуналари инсоният тараққиётининг барча даврларида ёрқин из қолдириб келган ва бу бой хазина асрлар оша қадим тарихга эга бўлган ўзбек халқининг маънавий қадриятлари сифатида дунё халқлари томонидан катта қизиқиш билан ўрганилиб келинмоқда. Аждодларимизнинг дунёқараши, маънавий олами қўлёзма манбаларда ўзининг ёрқин ифодасини топиб, комил инсонни тарбиялашдек муҳим ва масъулиятли ишда энг таъсирчан ҳамда самарали воситалардан бири бўлиб хизмат қилиб келаётганлиги аллақачон табиий жараёнга айланган.

Ибн ал-Асир (Ibn al-Asir, 2006), Минҳожиддин Усмон ибн Сирожиддин Жузжоний (al-Jauzjani, 1863), Ота Малик Жувайний (Juvaini, 1997), Рашиддин Фазлуллоҳ (Rashid ad-Din, 1952), Шиҳобиддин Муҳаммад Насавий (Shihobiddin, 1999), Ибн Баттута (Ibrohimov, 1993), Ҳасанхожа Нисорий (Hasanxoja, 1993), Мавлоно Муҳаммад Дўстий (Utemish-hadzhi, 1992), Жамол Қарший (Djamal, 2005) каби тарихчиларнинг асарлари Мовароуннаҳрдаги илмий-маърифий муҳитни ўрганишга оид ёзма тарихий манбалар жумласига киради (Asrorova, 2018).

Халқимизнинг фалсафий ва эстетик дунёқарашининг бадиий асарлардаги ифодасини тадқиқ этиш қатор фанларнинг тараққиётига самарали таъсир кўрсатиш билан бир қаторда адабиётшунослик ва диншунослик фанлари ривожида ҳам маълум аҳамиятга эга бўлган омиллардан саналади. Шу маънода, бундай асарларни атрофлича ва холис тадқиқ этиш истиқлол даври адабиётшунослиги ва манбашунослигининг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда (Hasanov, 1993).

Афзалий томонидан 1700 ҳижрий йилда ёзилган «Мажмаъу-л-масойил» (Afzaliy, 1700) шундай асарлардан биридир. Асарда ҳошияларга ёзилган араб тилидаги иқтибосларга туркий тилда назм йўли билан шарҳлар ёзилган. Диққат билан эътибор қилинса, шарҳланаётган иқтибосларнинг аксарияти кам ўрганилган фиқҳий масалаларга бағишланган бўлиб, бу масалаларнинг жавобларида уларнинг манбалари ҳам келтириб ўтилган. Араб тилидаги бу иқтибосларнинг (Rustamiy, 2014) аксарияти Қуръони карим ва ҳадислардан ёки уламоларнинг шариат аҳкомлари, ислом ақида ва асосларига бағишланган асарларидан олинган. Афзалий уларни саралаб, ҳошияларда келтириб боради ва ҳар бирини ўзбек тилида шеърий усулда шарҳлаган ҳолда манбаларга ишора қилади.

Асарнинг кириш қисмида, дастлабки ҳошияда келтирилган иқтибос Жалолиддин Румийнинг «Маснавий-и маънавий» асаридан олинган инсофсиз киши ҳақидаги ҳадис бўлиб, унинг мазмунини Афзалий қуйидаги мисралар орқали ифодалайди:

Тош тешиб бир кон чиқардим, эй азиз,
Айла сан инсоф, қил яхши тамиз.

Кимки инсоф қилмас ани, эй фалон,
Бешак асло дини бўлмас, сан билон (Afzaliy, 1700: 49б).

Асарнинг кириш қисмидан кейин Афзалий барча имомлар васфининг баёнига ўтади. Дастлаб буни фақиҳ, муҳаддис, улуғ имом ва ҳанафийлик асосчиси Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит Куфий (Имоми Аъзам (699–763)) (Ensiklopediya), сўнгра ҳанафийлик қоидаларини ишлаб чиққан Абу Юсуф Ёқуб (795), кейин суннийликдаги диний-ҳуқуқий мазҳаблардан бири Муҳаммад ибн Идрис аш-Шофиъий (767–820) (Bekmirzaev, 2009) ва ниҳоят Молик ибн Анас Абу Абдуллоҳ (713–795) асос солган моликийлик мазҳаблари бирма-бир санаб ўтилади (Bekmirzaev, 2009) ва уларнинг ислом оламидаги мавқелари эъзозланади. Афзалий уларни қуйидаги мисралар орқали баён этади:

Халқимизнинг фалсафий ва эстетик дунёқарашининг бадиий асарлардаги ифодасини тадқиқ этиш қатор фанларнинг тараққиётига самарали таъсир кўрсатиш билан бир қаторда адабиётшунослик ва диншунослик фанлари ривожида ҳам маълум аҳамиятга эга бўлган омиллардан саналади. Шу маънода, бундай асарларни атрофлича ва холис тадқиқ этиш истиқлол даври адабиётшунослиги ва манбашунослигининг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Мақолада тахаллуси Афзалий бўлган муаллиф томонидан фиқҳ масалаларига бағишлаб ёзилган «Мажмаъу-л-масоил» асари манбалари ва фиқҳ масалаларининг назмий талқини тадқиқ қилинган.

«Мажмаъу-л-масоил» асарининг ҳошияларида фиқҳ масалалари иқтибос тарзида келтирилган. Шу иқтибослар олинган асарлар «Мажмаъу-л-масоил»нинг манбалари ҳисобланади. Бу масалаларга Афзалий туркий тилда назм йўли билан шарҳлар ёзган. Араб тилидаги иқтибосларнинг аксарияти Қуръони карим, ҳадислар, шариат аҳкомлари, шунингдек ислом ақида ва асосларига бағишланган «Ҳайрату-л-фуқаҳо», «Шарҳ-и авродийя», «Мухтасар-и виқоя», «Ал-Муҳит», «Ҳидоя», «Канзу-л-ибод», «Фатовоту-л-амния», «Солат-и Масъудий», «Фавойид», «Мухтору-л-фатово», «Фавойид-и мухтасар», «Маснавий-и маънавий», «Арбаъин», «Қозихон», «Дажизий» ҳамда «Хулоса» асарларидан олинган.

Изучение философского и эстетического мировоззрения нашего народа, которое отражено в художественных произведениях считается одним из важнейших факторов, влияющих на развитие ряда дисциплин, а также на развитие литературоведения и религиоведения. В этом смысле тщательное и беспристрастное исследование таких произведений остается одной из актуальных задач литературоведения и источниковедения в период независимости.

В статье рассматриваются источники произведения автора под псевдонимом Афзали «Маджма‘ ал-масаил», посвященное вопросам фикха, а также, поэтическое толкование данных вопросов.

Вопросы фикха цитируются на полях «Маджма‘ ал-масаил» и они же являются источниками произведения. Большинство цитат на арабском языке и приведены из Корана, хадисов, правил шариата, а также из произведений по исламским доктринам таких как «Хайрат ал-Фукаха», «Шарх-и аврадия», «Мухтасар-и викая», «Ал-Мухит», «Хидая», «Канз ал-ибад», «Фатават ал-амния», «Салат-и Масъудий», «Фавайид», «Мухтар ал-фатава», «Фавайид-и мухтасар», «Маснавий-и маънави» «Арбаъин», «Казихан», «Даджизий» и «Хуласа».

Studying of philosophical and esthetic outlook of our people reflected in works of art is considered one of the major factors influencing on development of number of disciplines including the development of literary criticism and religious studies. In this sense, the careful and impartial research of such works remains to be one of the urgent tasks of literary criticism and source study in the period of independence.

In the article, sources of the work by the author under the pseudonym Afzaly «Majma‘ al-masail» devoted to fiqh questions and poetic interpretation of the matters are considered.

Questions of fiqh quoted in the margins of «Majma‘ al-masail» are the sources of the work as well. The majority of quotes are given in Arabic from the Koran, hadiths, rules of Sharia as well as from the works devoted to Islamic doctrines such as «Hayrat al-fuqaha», «Sharh-i avradiya», «Mukhtasar-i viqaya», «Al-Muhit», «Kanz al-ibad», «Fatavat al-amniya», «Salat-i Mas‘udiy», «Favayid», «Mukhtar al-fatava», «Favayid-i mukhtasar», «Masnaviy-i ma‘naviy», «Arba‘in», «Qazikhan», «Dajiziy» and «Khulasa».

Ул имомларким, қилибдур ижтиҳод,
Раҳмати эзид аларға, эй ибод.

Аввалан Нўъмон имом-и бо сафо,
Бил мадор-и дин-и шаръ-и Мустафо,

Ҳам яна Бу Юсуф-и қози эрур,
Бас Муҳаммаддин Худо рози эрур.

Шофеъий Идрис-и Молик бо зафар,
Шаръ-и Ҳаққа берди алар зебу фар.

Жаннату-л-аълода арвоҳи ҳама,
Раҳмати ризвон аларға, ғам ема.

Дин уйин бунёд-и маҳкам солдилар,
То қиёмат бузмасун деб айдилар.

Раҳмат-и Ҳақ бўлсун ашёйи ҳама,
Дар шариат бўлди сардор-и ҳама.

Бас Худо рози бўлуб ҳар қайсидин,
Дар ҳақиқат қилди шаръ ичра яқин.

Афзалийни ушбу зай-ла, эй Худо,
Мағфират қил, қилма имондин жудо.

Фазли Ҳақ бўлсун қарин жонлари,
Комил ўлсун барчадин имонлари.

Афзалий саргашта чўлда, эй песар,
Назм этиб эди имомлар сарбасар (Afzaliy, 1700: 49б-50а).

Сўнгра ҳошияда «Фавойид-и мухтор»дан келтирилган масаланинг ҳукмига ўқувчи эътиборини қаратади. Унда ким диний аҳкомларни қисман бўлса ҳам инкор қилса, султон томонидан қатл қилиниши лозимлиги қайд қилиб ўтилган. Афзалий Мавлоно Румийнинг асаридан келтирилган бу иқтибосни алоҳида масала сифатида китобига киритиб, уни «Бу масала туркий деб амал қилма-

са ани баёни» сарлавҳаси остига олиб қуйидагича таърифлайди:

Ҳар киши инкор қилса бул масал,
Гарчи бўлса аз фуруъот ул масал,

Мубтадеъ ўлғай ўшал кас бегумон,
Қатл, бил, султонға лозимдур, бидон.

Яъни айса туркдур, ё форисий,
«Ман амал қилмам хатодур», эй касе.

Подшаҳ бирдур, либоси мухталиф,
Бор тани шаҳ либоси ичра, ҳариф.

Афзалий «Тамҳид-и фавойид» кўрди бил,
Назм этиб «Амния»дин айди асил (Afzaliy, 1700: 50а).

Демак, Афзалий бу ўринда диний аҳкомларни, уларнинг баъзиларини жузъий ҳисоблаб амал қилиш-қилмасликка гумон билан қараган ёки уларнинг туркий ёҳуд форсий тилларда баён қилинганлиги нуқтаи назаридан эътиборсиз бўлиб, амал қилмаган инсон жазога тортилишга маҳкумдир, дейди. Афзалий ҳар бир масалани назмда талқин қилар экан, унинг манбаини ҳам албатта келтиради. Мазкур шеърда ҳам қўлёзма ҳошиясида келтирилган манба «Тамҳид-и фавойид» асари эканига ишора қилиб ўтилган.

Кейинги мисраларда эса Афзалий мазкур манбада келтирилган диний аҳкомга амал қилиш лозимлигига алоҳида тўхталиб, уларга амал қилмаслик хато эканини, фарз амалини инкор этган киши шариатда кофир деб эълон қилинишини таъкидлайди. Хусусан, «Асл масаланинг баёни»да бу ҳақда шундай дейилади:

Айса ҳар алфоз ила, эй муқтадо,
Бор руъус-и масъала кўргил, гадо.

Гар руъус-и масъала бўлса дуруст,
Сан амал қилсанг бўлур анга дуруст.

Ҳар киши айса «анга қилмам амал»,
Дар шариат кофир ўлғай бедағал.

Ломашо Нўъмонни кўрди Афзалий,
Назм этиб андин санга айди муни (Afzaliy, 1700: 50а).

«Мажмаъу-л-масойил» асарида кўтарилган масалалардан яна бири таҳорат учун қўлланиладиган сув борасидадир. Афзалий дастлаб сўзни сувга таъриф беришдан бошлайди:

Уч васф ўлди сувға, эй некхў,
Бири таъм, бири ранг, бири бў.

Кетса бир васф, иккиси қолса агар,
Чун вузуъ қилсанг раводур, эй песар.

Туруб бир васф, агар иккиси зоил,
Раво эрмас таҳорат анда, билғил,

Дейди Нўъмон ул Имом-и муслимин,
Сан амал қил қавлиға билиб, омин.

Кўрди Афзал ҳам «Хулоса», «Мухтасар»,
Қилди манзума зи шарҳи мухтасар (Afzaliy, 1700: 51б).

Бу талқин Имоми Аъзам сўзларига таянилган бўлиб, «Мухтасар-и виқоя» асарида қайд қилинган ва унинг араб тилидаги матни қуйидагича келтирилган:

الماء إذا غيَّر طعمه او لونه او ريحه لا يجوز الوضوء (مختصر وقاية).

«Агар сувнинг таъми, ранги ва ҳиди ўзгарса, унда таҳорат қилиш жоиз эмас» (Мухтасар-и виқоя).

Кейинги масала гирдобда таҳорат қилишга бағишланган. Бу ҳақда «Мажмаъу-л-масойил» қўлёзмасининг 51б саҳифасида бундай мисралар битилган:

Қилса гар гирдобда ҳар ким вузуъ,
Бил, «Салот-и Масъудий»да гўфтугў.

Сўрдилар, бил, Бу Ҳанифадин савоб,
Айди ул «ло хайро фиҳи» деб жавоб,

Ҳар еринда гар бу лафз содир эса,
Ул далилдур қилмасунлар, эй каса.

Афзалий тафсир кўрди мухтасар,
Назм этиб «Хулоса»дин берди хабар (Afzaliy, 1700: 51б).

Ҳошиядаги «Хулоса» асаридан келтирилган иқтибосда гирдобда қилинган таҳорат ҳақида шундай дейилган:

موضع الذي يقال له بالفارسية كرداب. لا يجوز التوضؤ فيه (خلاصة).

Яъни форсчада «гирдоб» (uzbek tilining izohli lugati) дейилади. Унда таҳорат қилиш жоиз эмас («Хулоса»).

Асарда кўтарилган масалалардан яна бири аъзоларни ювиш ҳақидадир:

Гар жанобат бўлса баъзи аъзоларин
Ювса, ётса ё ҳадас этса ўзин,

Баъд аз он қўпса, ул бўлса равон,
Боқ, аъзосин ювадур, эй фалон.

Ушбу қавл ул имом-и номдор,
Яъни Нўъмон ул шариатга мадор.

Афзалий кўрди «Сирожий» сарбасар,
Назм этиб толиблара бердим хабар.

Бу ривоят «Мухтасар-и виқоя»дин,
Ким ўқур, исломина сармоядур (Afzaliy, 1700: 52б).

Афзалий бу талқиннинг ҳанафий мазҳабига таяниб ёзилган «Қозихон» асарида қайд қилинган қуйидаги матнини келтирган:

إذا غسل بعض الأعضاء ثم نام أو الحدث ثم غسل ما بقي (قاضيخان).

«Яъни бирор аъзосини ювиб, сўнгра ухлаган ёки булғанган кимса қолганларини ҳам ювади» (Қозихон).

«Мажмаъу-л-масойил» асарининг 53а саҳифасида «Ҳавз ва ариқнинг баёни»да келтирилган маълумот кишининг эътиборини тортади. Ундаги иқтибос «Хизона» (Kitab xizana) асаридан олинган. Араб тилидаги матн:

توضُّؤ الحوض أفضل من توضُّؤ في النهر و العكس في القياس (خزانة).

Мазмуни: «Ҳовузда таҳорат қилиш ариқда таҳорат қилишдан афзал, қиёсда бунинг аксидир».

Ҳавздин қилмоқ вузуъ, эй динпаноҳ,
Афзал ўлди бир ариқдин олий чоҳ.

Бил, қиёсда аксин айтибдур масал,
Ёд олиб ҳар қайда тўктунг бу асал.

Ул «Хулоса» ҳам «Хизона»да яқин,
Назм этиб Афзал деди би-л-амин (Afzaliy, 1700: 53а).

Кейинги масала ханда, қаҳ-қаҳ отиб кулиш ҳақида бўлиб, Афзалий кишининг таҳорати ва ғусли қаҳқаҳа отганда ёки ханда урганда бузилмаслиги ҳақидаги маълумотни ўқувчига қуйидаги мисралар орқали баён этади:

Бил, таҳорат бирла ғусл бўлса, фалон,
Ботил этмас қаҳқаҳа яхши-ямон.

Афзалий назм айлади «Мухторий»дин,
Ҳам яна ломашо «Шарҳ-и Хоний»дин (Afzaliy, 1700: 53а).

Мазкур шеърий талқинга асос бўлган «Мухтору-л-фатово»даги (Muhtorul fatovo) арабча матн ва унинг мазмуни қуйидагича:

لا تبطل القهقهة الطهارة و الغسل (مختار الفتاوى).

Яъни қаҳқаҳа таҳорат ва ғуслни кетказмайди.

Афзалий «Мажмаъу-л-масойил» асарида жума намозлари ҳақида алоҳида тўхтаб ўтади ва бу намозлардаги хутба билан боғлиқ бир неча масалани келтиради. Шулардан бири Таҳовий томонидан эслатиб ўтилган масаладир:

ذكر فى الطحاوى و فى شرع الإشارة و لا ينبغى أن يكون الإمام فى الصلوة الجمعة غير الخطيب لأن الصلوة الجمعة مع الخطبة كشىء واحد من حيث المعني (محيط).

Жума намозида хутбани алоҳида киши, намозга алоҳида киши имомлик қилиб ўқиса, бу намознинг жоизлиги «Микрозий»да айтиб ўтилган. «Амния»да эса бундай намоз жоиз эмас, дейилган. Чунки жуманинг хутбаси билан намози бирдир. Афзалий буни «Хутбани биров ўқуб намозға ўтса, ани баёни» бўлимида ифодалаган:

Гар биров хутба, биров қилса намоз,
Жоиз ўлғай, санга айдим, аҳли роз.

Бу ривоятдур асаҳ, эй аҳли дил,
Афзалий «Микрозий»дин айдим асил.

Лек айтур «Амния»да бу намоз,
Жоиз эрмас билсанг, эй аҳли роз.

Анинг учун жумаи хутба басе,
Иккиси бир маънидадур, эй касе,

Бас, адо қилсун иккисин, эй жавон,
Афзалий назм айлади аз «Шарҳ-и Хон» (Afzaliy, 1700: 66а).

Афзалий асарда намоз ўқиш қоидаларига ҳам тафсилоти билан тўхтаб ўтган. Унинг кўпчилик манбаларда мавжуд бўлмаган яланг бош, қор, балчиқ устида, касал ҳолатда ва ҳайвон териси устида ўқиладиган намозларга оид маълумотларни тўплаб, масалалар шаклида баён қилгани ҳам эътиборни тортади. Масалан, кимки ҳайвон териси устида намоз ўқиса, бу жоиз, лекин ҳайвон терисининг бош томонини оёқ томонга буриб ўқимоқ бутга сажда қилишнинг олдини олади. Афзалий бу масалани Бухорийнинг ҳадисига асосланган ҳолда асарнинг «Ҳайвон терисини мусалло қилмоқнинг баёни» бўлимида келтирган:

Кимки ҳайвон терисини жойнамоз,
Қилса, ўткарса намозин бониёз.

Бас, нечук солсун ани, эй роҳ бин?
Бош оёқ остина солсун, эй амин.

Ким қилур аксин муни, эй муқтадо,
Сажда қилғон бўлғай ул бутга билло.

Афзалий кўрди «Саҳиҳ Бухорий»ни,
Назм этиб айди санга, билгил ани (Afzaliy, 1700: 82а).

Ёки яна «Қор устига намоз қилмоқнинг баёни» қисмида қор устида намоз ўқиш мумкинлиги ҳақида сўзлар экан, у ҳолда саждада пешона ва бурун қорга тегса намознинг жоизлиги, акс ҳолда намози жоиз бўлмаслигига ишора қилинган. Бу маълумотни Афзалий «Қозихон», «Хизона» (Kitab xizana) китобларидан олинганлигини қайд этади ва қуйидаги мисралар орқали таъриф қилади:

Гар биров қор устига қилса намоз,
Азбаройи ул Худойи бениёз.

Вақти сажда жабҳаси бўлса қарор,
Жоиз ўлди ул намози шахриёр.

Жабҳаси гар қилмаса анда қарор,
Ло яжуз ўлғай намози, эй барор.

«Қозихон» бирла «Хизона» Афзалий,
Кўрди назм этти, ўқу сан, эй валий (Afzaliy, 1700: 80а).

Афзалий «Тўн боғични боғламай ўтгарса, намози нодуруст» деб номланган яна бир бўлимда намозхон тўнининг боғичини боғламай намоз ўқиши раво эмаслигини қайд этиб ўтган. Бу ривоятни шоир «Муҳит-и мухтор» асаридан келтирилган маълумот орқали асослайди.

Тўн боғичин боғламай ўтгарса намоз,
Ул намози нораводур, аҳли роз,

Боғини боғлаб, белни бўш ўткарса ул,
Ул намозидур раво айлаб қабул.

Бул ривоят бил «Муҳит-и мухтор»идин,
Назм этиб Афзал жавоҳир конидин (Afzaliy, 1700: 82б).

Афзалийнинг «Мажмаъу-л-масойил» асарининг намозлар бобида жаноза ва маййитни дафн қилиш маросимлари ҳамда қабр ва охират азобларидан нажот сўраб адо этиладиган намозлар ҳақида муҳим масалалар кўтарилиб, уларнинг ечимига ҳам тафсилот билан тўхтаб ўтилган. Масалан, 89а саҳифада тобутга ёпилган парчаларнинг имомга мансуб бўлиши, қабр ичига маййит қўйилганда унинг тагига тўшак солиш мумкинлиги ва бошқа шу сингари масалалар баён қилинган. Тобутга ёпилган парчаларнинг кимга тегиши ҳақидаги маълумот қуйидагича ифодаланган:

Гар валий ёбса ўлукка парчалар,
Ул бўлур ҳаққи имом, эй барчалар.

Бас, ани қабр устида йиртса, песар,
Нораводур дар шариат мухтасар.

Мустаҳақ ул парчаға бўлғай имом,
Бас, тасарруф ғайрға қилсанг ҳаром.

Қилма беизни имом ул парчани,
Ким олур зомин бўлур ул барчани.

Айдилар аҳли Самарқандий киром,
Ҳам яна Хоразм аҳли вассалом.

Бу масойил «Мажмаъу-л-жаррин» аро,
Кўрди Афзал назм қилди, эй вало.

Афзалий, билсанг, Алий авлодидур,
Доимо зикри анинг Ҳақ ёдидур (Afzaliy, 1700: 89а).

Бу шеърнинг мақтаъида Афзалий ўзини Ҳазрат Али авлодидан эканлигига ишора қилмоқда.

«Амния» асаридан олинган иқтибос:

لا بَأسَ بأَنْ يَلْقَى تَحْتَ المَيّتِ قي الْقَبْرِ مِثْلِ الثَّوْبِ والْفر و هُوَ كَزِيادَةِ الكَفَنِ (فَتاوى ابو لَيْثِ، أمنية)

Афзалий талқини:
Қабр ичинда гар ўлук остиға бил,
Солса тўшакни раводур, эй асил.

Яъни солса кўрфа, ёстуқ, эй песар,
Жоиз ўлғай дар шариат мухтасар.

«Амния» бобу-л-жанозада муни,
Гар кўрарсан, бор назм сол, эй сани.

Ҳам Фатовойи Абуллайсда баён,
Афзалий назм айлабон қилди аён (Afzaliy, 1700: 91б).

«Шарҳ-и авродийя» (Sharhi avrod) асарида банданинг қабр азобидан қутулиши борасидаги «жума кечаси икки ракъат намоз ўқиган ва ҳар бир ракъатда Фотиҳа сураси, Ояту-л-курсийни бир марта ва Залзала сурасини уч бор ўқиган бандага қабр азоби берилмайди» мазмунидаги ҳадис келтирилган. Афзалий бу ҳадис маъносини ўқувчига қуйидаги мисраларда маҳорат билан етказиб бера олган:

Сўрди Ҳазрат Жибриилдин, эй Ҳасан,
Бир намоз таълим қилғил манга сан.

Ман қилай таълим ани умматга ҳам,
То азоби қабрға бўлғай аҳам.

Айди Жибриил, эй Расули Мустафо,
Умматингга элит бу ҳадя мужтабо.

Бас, юборди қодири парвардигор,
Умматингга ушбу ҳадя дей гузор.

Сўрди Ҳазрат қайсидур соҳиб карам,
Этайин ман умматимга муҳтарам.

Айди икки ракъат, эй олийгуҳар,
Ўқусун жума туни ул мухтасар.

Фотиҳа, бир Ояту-л-Курсий, яна
Залзалатни ўқусун уч мартаба.

Ҳар киши гар ўқуса ушбу намоз,
Аз баройи у Худойи бобниёз.

Бас, азоби қабр бўлмас анга бил,
Бор, ўқу ушбу намозни, эй асил.

Ман аҳодис боғларидин, эй песар,
Бир гул уздум хуш ажойиб тоза тар.

«Шарҳ-и аврод»дин кўруб назм айлади,
Афзалий толиблара базм айлади (Afzaliy, 1700: 98б).

«Мажмаъу-л-масойил» асарининг 100б саҳифасида «Фавойид-и захира» асаридан келтирилган бомдод намозидан кейин банда ўз жойида қуёш чиққунигача ўтирса, Аллоҳ таъоло унинг тавбасини ўлимидан олдин қабул қилиши, ризқига барака бериши, жисмини саломат қилиши, қалбини муҳаббатга тўлдириши, ҳаётий эҳтиёжларини мукаммал қилиши, бу дунёдан комил имонли банда қилиб чиқариши, китобини ўнг томондан бериши, сирот кўпригидан яшин тезлигида ўтказиши, қабрини кенг қилиши ва бу бандани жаннатга ҳисоб-китоб қилинмасдан киргазиши каби яхшиликларни ато этиши ҳақидаги ҳадис келтирилган. Бу мавзу Афзалий талқинида қуйидаги мисралар орқали ёритилган:

Ҳар киши ўқуса муни, эй муқтадо,
Нофеъ ўлғай охиратга, эй гадо.

Нақл эрурким ул Расули зулжалол,
Уммат эрсанг қил қабул, эй бокамол!

Ҳар киши ўткарса, билгил, бомдод,
Ўлтурун ерда чиқарса, эй жавон.

Яъни чиқса офтоб ул ерда бил,
Бас Худо қилғай ато анга асил.

Ўн каромат айлагай анга Худо,
Бир-бир айтай сан эшит, эй муқтадо.

Аввали бил, тавбасин қилғай қабул,
Ҳам яна ризқин фаровон этгай ул.

Ҳам учунчи, ул саломат, эй жавон,
Тўртиси, халқ дўст тутгай бегумон.

Бешиси, танг бўлмағай айши ани,
Олтиси, имон била кетгай сани.

Еттиси, ўнг қўлиға бергай китоб,
Ҳам Худо ул бандага қилмас азоб.

Саккизи, ўтгай сиротдин мисли барқ,
Тўққузи, қабри васиъ ўлғай беҳақ.

Ўниси, жаннатга дохил бўлғай ул,
Беҳисоб айдим санга, сан қил қабул (Afzaliy, 1700: 99б).

Демак, Афзалий ўзининг «Мажмаъу-л-масойил» асарида берилаётган масалаларнинг аниқ ва тўғрилиги исботи сифатида фиқҳга оид бир қанча асарлар, жумладан Алоуддин Бухорийнинг «Ҳайрату-л-фуқаҳо», «Шарҳ-и авродийя», Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг «Мухтасар-и виқоя» (MuxtasorulViqoya), Бурҳонуддин Маҳмуд ал-Бухорийнинг «Ал-Муҳит», Бурҳониддин Марғиноний-нинг «Ҳидоя» (Hidoya), «Канзу-л-ибод», Муҳаммад Амин ибн Убайдуллоҳнинг «Фатовоту-л-амния», Масъуд ибн Маҳмуд ибн Юсуф Самарқандийнинг «Солат-и Масъудий», «Фавойид», «Мухтору-л-фатово» «Фавойид-и мухтасар», Жалолиддин Румийнинг «Маснавий-и маънавий» ҳамда «Арбаъин», шунингдек «Қозихон», «Дажизий», «Хулоса» каби бир қанча асардан иқибослар келтирган. Шоир араб ва форс тилларида битилган фиқҳ масалалари мазмунини туркий назм орқали баён қилиб ислом маърифатининг туркийзабон халқлар орасида ҳам кенг ёйилишига ҳисса қўшишни мақсад қилган. Халқнинг кундалик ҳаётида зарур бўлган фиқҳ масалаларининг бу каби содда тилда шеърий услубда баён қилиниши унинг осон ўзлашиши, ёдда сақланиши ва кенг тарғиб қилинишида муҳим омиллардан ҳисобланади.

## ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. Afzaliy (1700). Majma’u-l-masoyil. Saidbek Hasanov shaxsiy kutubxonasi. Qo’lyozma.
2. Al-fatava . Retrieved from https://www.noor-book.com-pdf
3. Almasnaviy almanaviy. Retrieved from https://ar.m.wikipedia.org/wiki/
4. Asrorova, L. Q. (2018). Alouddin Buxoriy «Hayratu-l-fuqaho» asarining islom manbashunosligida tutgan

o'rni: tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) nomz... dis. avtoref. Toshkent: O'XIA.
5. Bekmirzayev I. I. (2009). Burhonuddin Mahmud al-Buxoriyning «Al-Muhit» asari va uning Movarounnahr qoziligida tutgan o'rni. (Tarix fanlari nomz... dis. Avtoref.). Toshkent: TIU.
6. Djamal, al-Karshi. (2005). Al-Mulxakat bi-s-surax. (Voxidov Sh.X., Aminov B.B. perevod.). Almati: Dayk-Press.
7. Hasanov, H. (2017). Zahiriddin Muhammad Boburning «Mubayyin» asari – muhim adabiy-diniy manba. Toshkent: Mumtos so'z.
8. Hasanxoja, Nisoriy. (1993). Muzakkiri ahbob. (Fors tilidan tarj.: Ismoil Bekjon). Toshkent: Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti.
9. Hidoya. Retrieved from https://ar.m.wikipedia.org/wiki/ Hidoya
10. Ibn al-Asir. (2006). Al-Kamil fi-t-tarix. (Per., primech. i komment. P.G. Bulgakova, dopolnenie, vved. i ukazat. Sh.S. Kamoliddina). Tashkent.
11. Ibrohimov, N. (1993). Ibn Battuta va uning O'rta Osiyoga sayohati. Toshkent: Sharq bayozi.
12. Juvaini, Ata-Malik. The History of the World-Conqueror. (J.A. Boyle, Trans.). Press: Manchester University.
13. Kitab xizona . Retrieved from https://www.noor-book.com
14. Muhtarul fatava. Retrieved from https://al-mostafa.info/data/arabic/ depot/gap.php?file=m013684.pdf.
15. Mukhit. Retrieved from https://waqfeya.com/book.php?bid=4994.
16. Muxtasari Kuduriy. Retrieved from https://archive.org/details/hanafi_ 1_201512
17. Muxtasari Kuduriy. Retrieved from https://www.waqfeya.net/book.php? bid=9368
18. Muxtasorul Viqoya. Retrieved from https://archive.org/details/Muxtaso rulViqoya
19. O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. Retrieved from http://www.ziyouz.com
20. Othman ibn Siraj, ad-din al-Jauzjani. (1863-1864). The Tabaqat-i Nasiri. W. Nassau-Lees & Maulawis Khadim Hosain & Abd al-Hai (Eds.). Calcutta.
21. Rashid, ad-Din. (1952). Sbornik letopisey. T. 1. Kn. 1. (Per. L.A. Xetagurova). Moskva–Leningrad.
22. Rustamiy, S. (2014) Art of word and artistry of arabic proverbs. The Science Advanced Journal. ISSUE 8-2014. 36-40.
23. Sharhi avrod. Retrieved from https://al-mostafa.info/data/arabic/depot/ gap.php?file=m012409.pdf.
24. Shihobiddin, Muhammad an-Nasaviy. (1999). Sulton Jaloliddin Manguberdi hayoti. (Tarjimon: Matyoqubov). Toshkent: O'zbekiston – Yozuvchi.
25. Utemish-hadzhi, ibn Mukhammad Mavlana Dosti. (1992). Chingiz-name. Alma-Ata: Gilim.
26. Uzbek tilining izohli lugati. Retrieved from http://n.ziyouz.com/books/ uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20G.pdf